

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ МАҚСУД СУВОНҚУЛОВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ
АМАЛИЁТИНИ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Iqt497 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали (www.zivonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Каралиев Турабой Маматкулович иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	Олимжонов Одил Олимович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Саттаров Одилжон Бердимуродович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.1.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси.)

И.Н.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., доцент

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.н.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб кичик бизнесни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг январь ойида “Жаҳон банки кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қарийб 4,8 млн. АҚШ долларига тенг кредитларни дунёнинг 47 давлатида 61 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратди”¹. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари халқаро молия ташкилотлари ва тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватлаб келинишига қарамай, кичик ва ўрта бизнес корхоналари йирик компанияларга қараганда, кўпроқ молиявий тўсиқларга дуч келмоқдалар. Халқаро тажрибалар кўрсатишича, кичик ва ўрта бизнесни кредитлашда тижорат банклари ва кредит уюшмалари анъанавий тарзда кредитлаш усулларида фойдаланиб келмоқда. Жаҳон банки томонидан “45 та давлатнинг 91 та тижорат банкларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, кичик ва ўрта бизнес сегменти банк учун фойдали мижоз эканлиги маълум бўлди, лекин ривожланаётган мамлакатларда макроиктисодий беқарорлик ва кичик бизнес субъектларини ривожланган мамлакатларнинг кичик бизнес субъектлари билан таққослаганда асосий муаммолардан бири бўлиб, уларни молиялаштириш кўзга ташланмоқда”².

Халқаро амалиётда йирик молия муассасаси ҳисобланган Жаҳон банки, шунингдек бошқа халқаро молия институтлари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотларда, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш механизмларини такомиллаштириш, кредитлардан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган. Лекин, банклар томонидан кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончини янада оширишга қаратилган аниқ жиҳатлар ўз илмий ечимини топмаган. Хусусан, кредитларни ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишда ваколатларни мувофиқлаш, бош банклар ва уларнинг филиаллари ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланиши, кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, кредитларни тезкор олиш имконияти каби бир қатор масалалар ҳозирги кунда илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини банклар томонидан кредитлар асосида молиявий қўллаб қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини

¹ <http://projects.worldbank.org>. The World Bank Data as of January 2018. маълумотлари.

² Beck, Demirgüç-Kunt and Maksimovic 2008, Banking Services for Everyone? Barriers to Bank Access and Use around the World, the World Bank Economic Review. www.doingbusiness.org

кредитлашни янада кенгайтириш”³ вазифаси белгилаб берилган. Хусусан, банклар томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш самарадорлигини тавсифловчи мезонлар банкларнинг кредит сиёсатида ўз ифодасини топмаганлиги, иқтисодий ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни кредитлаш борасида катта амалий ва бой тажриба тўпланганлигини, ушбу илғор хориж тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини илмий жиҳатдан асослаб бериш республикамиз учун долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли Қарори ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнесни кредитлашнинг методологик асосларини ўрганиш хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолалар ва мақолаларда ўз аксини топган. Хусусан, улар қаторига Adam Smith, Beck, Thorsten, Stein, Peer, Tony Goland, Robert Shiff, Ayyagari, Megahana, Asli Demirgüç-Kunt, Vojislav Maksimovic, Мухаммад Юнус, Алан Жоли, Лврушин И.О. ва Савинова Д.В.ларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган⁴.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

⁴ Adam Smith, 1937: "An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations", Edwin Cannan (Ed.), The Modern Library/ Random House Inc., New York); Beck, Thorsten. 2013. "Bank Financing for SMEs-Lessons from the Literature." National Institute Economic Review 225 (1): P23-P38.; Stein, Peer, Tony Goland and Robert Shiff. 2010. "Two Trillion and Counting: Assessing the Credit Gap for Micro, Small and Medium-size Enterprises in the Developing World." Working Paper 71315, World Bank, Washington, DC.; Ayyagari, Megahana, Asli Demirgüç-Kunt and Vojislav Maksimovic. 2011a. "Small vs. Young Firms across the World: Contribution to Employment, Job Creation, and Growth." World Bank Policy Research Working Paper 5631, World Bank, Washington, DC.; Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер.

Бу борадаги баъзи бир томонлари, республикаимиз иқтисодчи олимларидан У.Ў.Азизов, У.В.Гафуров, И.М.Алимарданов, Ж.Я.Исаков, Д.А.Саидов, Н.Р.Урманова ва бошқалар томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг хориж тажрибаси тўлиқ ўрганилган эмас⁵.

Юқоридаги келтирилган тадқиқотларда мавзуга оид умумий қарашлар келтирилган бўлса-да, лекин кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлиб, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини илғор хориж тажриба асосида такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасидаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

республика тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш;

тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.; Лаврушин О.И. Банковское дело. – М.: Кнорус, 2012. 338 с.; Савинова Д.В. О формировании механизма привлечения кредитных ресурсов в малый бизнес // Деньги и кредит.- Москва, 2009. - № 5. – С. 60-61.

⁵ Азизов У.Ў. “Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари” Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2004.; Гафуров У.В. “Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш”. Док. Дисс. авреф. Тошкент 2017 й.; Алимардонов И.М. “Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш” Автореф. дисс... и.ф.д. – Т.: 2018.; Исаков Ж.Я. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш”. Док. дисс. автореф. Тошкент 2017 й.; Саидов Д.А. “Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари” Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2008.; Урманова Н.Р. “Перспективы развития микрофинансирования в Узбекистане”. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Тошкент, 2012. – С. 20.

Тадқиқотнинг объекти этиб, Ўзбекистон Республикаси ва илғор хорижий давлатлар тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиёти белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик усуллар, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

банклар томонидан кредитлаш жараёнида ўз фаолиятини бошлаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига “йўл бериш” усули орқали гаровсиз кредит бериш такомиллаштирилган;

филиалларнинг кичик бизнес субъектларига кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатлари мувофиқлаштирилган;

банк томонидан кичик бизнесни кредитлашда аҳоли бандлиги ва миллий даромадни яратишдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда берилган асосий қарзни қайтариш ва фоиз тўловлари бўйича имтиёзли шартларни қўллаш усули таклиф этилган;

банклар томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтиши, шунингдек, келгусида ушбу миқдорнинг яна кредит олишини рағбатлантиришда миқдорнинг кредит тарихлари маълумотлар базасини шакллантириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

илғор хориж тажрибасида кичик бизнес субъектларини кредитлашда, кичик бизнес субъектлари ўртасида махсус сўровномалар ўтказилиши ва унинг натижасида аниқланган камчиликлар асосида келгуси кредитлаш жараёнини ташкил этишни Ўзбекистон амалиётида қўллаш етарлича самара бериши юзасидан таклифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон амалиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасида, кичик бизнес субъектларига кредитлар бериш юзасидан “кафолат бериш дастурини” йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар, яратилаётган ЯИМга тўғри пропорционаликда таъсир этиши эконометрик таҳлил натижалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда расмий статистик маълумотларига, шунингдек, тижорат банкларининг амалий маълумотларининг таҳлиллари натижаларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг натижаларидан республикамизда банк соҳасини ривожлантиришда кичик бизнесни кредитлашда илғор хориж тажрибасидан кенг фойдаланишга қаратилган махсус тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида “Банк иши”, “Банк менежменти ва маркетинги”, “Банкларда бухгалтерия ҳисоби” ва “Чет мамлакатлар банк тизими” каби фанларни ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикамизда кичик бизнесни кредитлашни илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

банклар томонидан кредитлаш жараёнида ўз фаолиятини бошлаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига “йўл бериш” усули орқали гаровсиз кредит бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан берилган таклифлар “Агробанк” АТБ томонидан амалиётга жорий этилган (“Агробанк” АТБнинг 2018 йил 29 ноябрдаги 24-3-06/1172-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши банк томонидан берилган кредитлар салмоғи 9 фоизга ошиши ва 1,2 млрд сўмдан ортиқ даромад олиниши таъминланган;

филиалларнинг кичик бизнес субъектларига кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатларини мувофиқлаштириш юзасидан берилган таклифлари “Микрокредитбанк” АТБнинг “2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси”да ўз аксини топган (“Микрокредитбанк” АТБнинг 2019 йил 9 январдаги ТА-18-32/140-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф жорий қилиниши кичик бизнесни кредитлашда ресурс муаммосини ҳал қилиш имкониятини яратган;

кичик бизнесни кредитлашда аҳоли бандлиги ва миллий даромадни яратишдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда банкнинг имтиёзли шартларини қўллаш бўйича таклифлари “Микрокредитбанк” АТБ томонидан амалиётга жорий қилинган (“Микрокредитбанк” АТБнинг 2019 йил 9 январдаги ТА-18-32/140-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши банк томонидан 2017 йилда 1067 та кам таъминланган оилаларга 5670,4 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, кредитларнинг ижтимоий самарадорлиги оширилишига хизмат қилган;

банклар томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларни ўз вақтида қайтиши, шунингдек, келгусида ушбу мижознинг яна кредит олишини рағбатлантириш мақсадида мижознинг кредит тарихлари маълумотлар базасини ташкил этиш бўйича берилган таклифи

“Микрокредитбанк” АТБ томонидан амалиётга жорий этилган (“Микрокредитбанк” АТБнинг 2019 йил 9 январдаги ТА-18-32/140-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банкда кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг кредит тарихи маълумотлар базаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 7 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шундан 1 таси хорижий ва 5 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усулларига тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг биринчи боби **“Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг назарий асослари ва хориж тажрибаси”** деб номланиб, унда, кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг назарий асослари, банклар томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш тартиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари, кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётининг хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар атрофлича ёритиб берилган ва боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий ривожланишининг даражаси айни шу мамлакатда тадбиркорлик қай даражада тараққий этганлигидан далолат бериб туради. Сир эмаски, иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиши унинг таркибидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушининг кўпайиб бориши билан белгиланади, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг кун сайин кўпайиб бориши эса, ўз навбатида, мамлакатда яратилган ишбилармонлик муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, 2018 йил 1 январь ҳолати бўйича “Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 53,3 фоизидан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хиссасига тўғри келмоқда”⁶.

Бизнинг фикримизча **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик** бу - маълум танланган йўналиш бўйича бозор талабини инобатга олган ҳолда ўз таваккалчилиги остида ишларни ташкил этишдир.

Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта корхоналар сектори “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” деб ифодаланади. Кичик бизнес субъектларига яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар киради. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таснифланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сонли Қарори билан тартибга солинади ва фақатгина битта “Ходимлар сони” мезонини ўз ичига олади. Ўзбекистонда “ўрта бизнес” сегменти мавжуд эмас.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ифодаланиши⁷

Иқтисодчи олимларнинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, биринчидан, кичик бизнес мамлакатдаги ўсиш ва инновациялар учун иқтисод ва ёқилғининг асоси ҳисобланиб, нафақат ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади; иккинчидан, энди иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг “ижтимоий самараси”га қаратилиши кераклиги, тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлиши; учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашда бозорнинг ҳар бир сегменти учун алоҳида кредит хизматини кўрсатиш зарур⁸. Илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида маълум бўлдики соҳага оид адабиётларда, илмий ишларда ҳамда тегишли бошқа манбаларда кичик бизнесни кредитлаш атамаси бўйича кўплаб фикрлар билдирилган. Уларни баъзилари мазмун жиҳатдан бир-бирига мос келади, баъзилари эса ўз фарқли томонларини намоён қилади.

Кичик бизнесни кредитлашда рағбатлантиришнинг усул ва

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини халқаро тансинфлаш тизимига ўтиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 275-сонли Қарори асосида тайёрланди.

⁸ Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с. Савинова Д. В. О формировании механизма привлечения кредитных ресурсов в малый бизнес // Деньги и кредит. - Москва, 2009. - № 5. – С. 60-61.

воситаларидан кенгрок фойдаланиш учун жавоб излашда хориж амалиётига мурожаат этиш лозим. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибалари ўрганилганда, кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш учун асос бўлган молиявий таъминот, бизнес учун ягона омил эмас, балки ҳар қандай бизнес учун уни бошлаш ва давом эттиришнинг энг ҳаётий ҳамда, асосий элементи ҳисобланади. Албатта, барча бизнес лойиҳаларимизни амалга оширишимиз учун бизга сармоя яъни пул маблағлари керак бўлади. Шуниси, диққатга сазоворки пул маблағлари манбалари қаердан, қандай қилиб шаклланиши муҳим эмас, унинг ҳуқуқий асосга эга эканлиги, арзон ва тез топилишидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашда дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири бўлган, Германия тажрибасининг амалий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

кредитлар узоқ муддатли бўлиб, кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини молиялаштириш мақсадида берилади;

кредитларнинг асосий қарз суммаси ва фоизининг маълум қисми давлат маблағлари ҳисобидан бонификация қилинади;

икки йиллик муддатга имтиёзли давр билан берилишидир.

1-жадвал

Германияда банклар томонидан кичик бизнесни молиялаштириш учун берилган кредитлар⁹

(миллиард евро €)				
№	Кредитлар муддати	2016 йил	2017 йил	2018 йил
1	Германия банклари томонидан берилган жами кредитлар суммаси	1347,5	1403,1	1476,9
	Шулардан:			
2	Қисқа муддатли кредитлар	174,3	180,8	201,9
3	Ўрта муддатли кредитлар	186,4	193,1	199,4
4	Узоқ муддатли кредитлар	986,8	1029,2	1075,6

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Германия банклари томонидан кичик бизнесни ривожлантириш учун берилаётган кредитлар салмоғи сўнги уч йилда доимий равишда ўсиб бормоқда. 2017 йилда кичик бизнес субъектлари учун асосий кредит тури бўлган, узоқ муддатли кредитлар 1029,2 млрд. еврога ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 46,4 млрд. еврога ортганини кўришимиз мумкин.

АҚШда Кичик бизнес ассоциацияси, кичик бизнесни 500 дан кам ишчи ходимга эга бизнес сифатида белгилайди. Шунингдек, мамлакатда бугунги кунда тахминан 28 миллион кичик бизнес субъектлари мавжуддир¹⁰.

АҚШда кичик бизнесни молиялашнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, жумладан ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган кредитлар ва

⁹ www.worldbank.com World Bank. 2018. Small beginnings for great opportunities: Lessons learned from 20 years of microfinance projects in IFC. IFC Smart Lessons Book. Washington, D.C.: World Bank Group.

¹⁰ <https://lendedu.com/blog/small-business-statistics> маълумотлари асосида тайёрланди.

молиялаш дастурларидан иборат. Ҳукуматнинг кредит дастурлари анъанавий банк кредитига лаёқатсиз ва муаммо туғдирадиган бизнес эгаларига молиявий ёрдам кўрсатади. Ушбу дастурларда иштирок этадиган банклар ва кредит ташкилотлари бизнесни бошлаш ёки кенгайтириш учун ҳукумат томонидан кафолатланган кредитларни тақдим этади. Яъни, давлат кредит олаётган кичик бизнес эгаларига кафил бўлиб туради. Кичик бизнес ассоциацияси, кичик бизнес субъектларига ёрдам ва ресурсларни тақлиф қилувчи ҳукумат агентлиги бўлиб, кредитлар учун кафолатлар беради. Кичик бизнес ассоциацияси миқдори 150,000 АҚШ долларигача бўлган кредитларнинг 85 фоизигача ва 500,000 АҚШ долларигача бўлган кредитларнинг 75 фоизгача миқдорида кафолатлайди, шунинг учун кредит берувчига нисбатан хавф камаяди. Кичик бизнес ассоциацияси тўғридан-тўғри қарзни тақлиф қилмайди, фақат кафолат беради. Аҳамиятли жиҳати шундаки, АҚШда агентлик воситалари ва хизматлари шунчалик кўпки, улар кичик бизнес эгаларига, бизнес тури ва эҳтиёжларига мос келадиган кредитни топишда ёрдам беради. АҚШ миллий кичик бизнес ассоциацияси (NSBA) кичик бизнесни молиялаштириш ва ходимларни ёллаш ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлигини аниқлади (яъни қанча кўп кредит берилса шунча кўп ишчини ишга ола олади деган ғоя ётади). АҚШ кичик бизнес ассоциацияси таҳлилларига кўра кичик бизнеснинг деярли тўртдан бир қисми ҳалигача умуман молиялаштирилмаган.

АҚШ кичик бизнесни кредитлаш амалиётида мавжуд бўлган кафолат бериш тажрибасини Ўзбекистон амалиётида қўлашимиз яхши самара беради.

Энг кучли ривожланаётган иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлардан бири Япониядир. Ҳозирги кунда Японияда, 3,82 млн.та корхона фаолият юритади, шундан 3,8 млн.таси ёки 99,7 фоизи кичик ва ўрта корхоналардир. Уларда 33,6 млн. киши меҳнат қилади, бу иш билан банд жами аҳолининг 70 фоизи деганидир¹¹. Японияда, 300 дан ортиқ ишчи ва 100 миллион иена айланмасига эга компаниялар кичик бизнес сифатида қаралади. Японияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими жуда илғор бўлиб, уни қўллаб-қувватлаш учун йилига 180 миллиард иена ажратилади¹².

Кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш соҳаси бўйича Япония тажрибасида мослашувчан қўллаб-қувватлаш тизими, комплекс ёндашув, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш босқичини ҳисобга олган ҳолда юритилаётган сиёсат ва мақсадларни тартибга солиш, амалга оширилган чора-тадбирларни баҳолашнинг самарали механизмидан фойдаланиш каби омилларни кузатиш мумкин. Японияда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий механизми бўлиб, имтиёзли кредитлашдир (одатий кредитни 4-8 фоизгача олиш мумкин бўлса, “имтиёзли кредит” ушбу фоизнинг ярмини билдиради).

Умуман олганда, кичик бизнесни ривожлантиришнинг Япония модели, энг яхши намунали бўлиб, бизнесни қўллаб-қувватлашда, дунёдаги энг улкан ва етук тизимлардан бири бўлиб тан олинган.

¹¹ <https://tradingeconomics.com/japan/loan-growth> маълумотлари асосида тайёрланди.

¹² <http://www.boj.or.jp/en/statistics/dl/loan/index.htm> маълумотлари асосида тайёрланди.

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес субъектлари Хитойда рўйхатга олинган барча корхоналарнинг 97,9 фоизини ташкил этиб, ЯИМнинг 58 фоизи ва экспортнинг 68 фоизига ўз ҳиссасини қўшади”¹³.

Хитой иқтисодиётида кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашга аҳамияти жуда муҳим бўлишига қарамай, уларни молиялаштириш масаласида ҳали ҳам бир қанча муаммолар мавжуддир. Кичик ва ўрта корхоналар деярли 66 фоизи банклардан кредит олаётганларида турли хил муаммоларга дуч келмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида, Хитой Марказий банки микрофирма ва кичик корхоналар учун қайта молиялаштириш ставкасини 50 фоиз даражагача қисқартирди. Бу кичик фирмаларнинг молиявий қийинчиликларини енгиллаштирадиган кенг миқёсли сиёсат тизимидир. Хитойнинг Саноат ва тижорат банки (Industrial and Commercial Bank of China) мамлакатнинг йирик давлат назоратидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарз берувчи муассасаси ҳисобланади. У бутун мамлакат бўйлаб, кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи 230 га яқин филиалларга эгадир. Банк томонидан 2018 йилда кичик бизнесга берган кредитларининг фоиз ставкалари ўртача 4,64 фоизни ташкил этди. Хитой Марказий банки маълумотларига кўра 2018 йилда кичик бизнесга ажратилган янги кредитлар миқдори 19 фоизга ошиб, 11,76 триллион юанга етган¹⁴.

Ҳозирги кунда Хитой кичик ва ўрта бизнес субъектларига янада қулайлик яратиш мақсадида уларнинг ижтимоий кредитларининг қанчалигига қараб кредит олишни белгилаб берувчи имтиёзли стратегияни амалга оширмоқда. Яъни, бунда ҳукумат кичик ва ўрта корхоналарнинг ижтимоий кредитлари маълумотларини ўрганиб чиқади ва баҳолайди, ундан сўнг, улар маълумотларни молиявий ташкилотларга жўнатади. Бундай баҳолаш кичик ва ўрта корхоналарнинг кредит олишларига жуда ҳам фойдали бўлиб, энг юқори даражадаги кичик ва ўрта корхоналар бу орқали қисқа муддатда кредит олиш имкониятига эга бўладилар. Мамлакатда бу каби тизимини жорий қилишга 34 та молия институтлари ва хусусий нобанк кредит ташкилотлари хусусан, “JD Finance” ва “Alibaba’s Sesame Credit” кабилар ҳукуматга кўмаклашишлари ва биргаликда тадбиркорлар учун ягона бўлган хизматни жорий этишлари мўлжалланган. Бу умуммиллий дастурнинг тўлиқ ишга тушиши 2020 йилгача деб белгиланган.

Иқтисодий ривожланиш жиҳатидан олдинги ўринларда турувчи, Корея Республикасида кичик ва ўрта бизнес корхоналари барча мавжуд корхоналарнинг 99 фоизини ва иш билан банд бўлганларнинг 88 фоизини ташкил қилади¹⁵.


Шу билан бирга, кичик ва ўрта корхоналар асосан, Корея Республикаси кредит кафолати жамғармасининг ягона қарздорлари бўлиб, улар ҳукумат ва ихтисослаштирилган тижорат молия институтларининг молиявий ресурсларини жамлайди. Катта корхоналарга йилига 1,5 фоиз миқдорида

¹³ www.ecovis-beijinf.com/investment/smes-china маълумотлари асосида тайёрланди.

¹⁴ <http://www.pbc.gov.cn> маълумотлари асосида тайёрланди.

¹⁵ <http://www.koisra.co.kr.the-small-and-medium-bus-administration.html> маълумотлари асосида тайёрланди.

комиссия тўлови билан 15 млрд. вон (KRW)гача миқдорда кредит кафолати бериши мумкин бўлса, кичик ва ўрта корхоналар учун 1 фоизгача комиссия тўлови билан 3 млрд. вонгача кредит кафолатини бериши мумкин¹⁶.



2-расм. Корея Республикасида кичик бизнесга ажратилган кредитларнинг фоиз ставкаси ўзгариши¹⁷ (фоизда)

Корея Республикасида кичик бизнесни ривожлантириш дастурлари мавжуд бўлиб, улар кредит фоиз ставкаларини, имтиёзли равишда бериш учун 1,6 млрд. АҚШ доллариغا тенг маблағларни йўлтиради. Кичик бизнес субъектлари, кредитлардан фойдаланиш учун йилига 2 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорни тўлаш мажбуриятини олади - бу Марказий банкнинг асосий курсидан биров юқоридир.

Малайзия давлатининг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида, кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти жуда юқоридир. Чунки кичик ва ўрта бизнес субъектлари мамлакатда жами 907 мингдан ортиқни ташкил этиб, мавжуд корхоналарнинг 97 фоизини ташкил этади. Шунингдек, мамлакат ЯИМнинг 36 фоизини ва иш билан бандликнинг 65 фоизни таъминлайди¹⁸. Шунинг учун бу корхоналар мамлакатдаги асосий иш ўринларини яратувчи манба ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Малайзияда кичик бизнес субъектларини кредитлашда қуйидаги муаммолар мавжуддир:

кредитларни таъминлаш учун кафолат етарли даражада эмаслиги;

қарз олиш имкониятининг пастлиги;

бизнеснинг етарли даражада камлиги ва кредит олувчиларнинг билим савиясининг етарли даражада эмаслиги.

Шу сабабли ҳам, Малайзия ҳукумати кичик ва ўрта корхоналарнинг кредит олиш жараёнини енгиллаштириш мақсадида бир қанча ғояларни амалга ошириб келмоқда. Булардан бири “Credit Guarantee Corporation” (Кредит кафолат корпорацияси)дир. Кредит кафолат корпорацияси 45 йилдан буён кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун турли хил дастурлар асосида иш олиб бормоқда. Бу дастурнинг шартлари Малайзиядаги барча банклар томонидан қабул қилинган ва тасдиқлангандир.

¹⁶ <http://www.pbc.gov.cn> маълумотлари асосида тайёрланди.


¹⁷ <http://www.bok.or.kr> Корея Республикаси Марказий банк маълумотлари асосида тайёрланди.

¹⁸ <https://borgenproject.org/credit-access-in-malaysia/> маълумотлари асосида тайёрланди

Шунингдек, Малайзияда кичик бизнес субъектларини молиявий имкониятини, иш самарадорлигини, инсон ресурслари, технология сотиб олиш ва қабул қилиш, сертификатлаш ва бозор мавжудлиги каби етти та баҳолаш мезонлари асосида кичик ва ўрта корхоналарнинг ишлаш даражасини кўрсатиш учун диагностика рейтинг SCORE тизими жорий этилган. Малайзия давлатида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда барча банклар учун бир хил фоиз ставкасида кредит бериши белгилаб қўйилганлиги, кичик бизнес ривожини учун муҳим асос ҳисобланади.

Кичик ва ўрта бизнес учун асосий муаммолардан бири ўзининг ихтиёрида молиявий маблағлар этишмаслиги ҳисобланади. Ушбу муаммони ечишда кредит асосий ролни ўйнайди. Биз олиб борган тадқиқотларимиз натижасида бир усулни таклиф сифатида киритишни лозим деб топдик. “Йўл бериш” усули, яъни бунда, дастлаб ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган шахсга ишонч билдириб иш бошлашига бугунги кун талабларига жавоб берадиган ҳар томонлама ўйланган бизнес лойиҳага гаровсиз кредит бериш орқали йўл бериш керак, ушбу лойиҳа келажақда ўз самарасини бериши орқали биринчидан, банк берган кредитларининг вақтида қайтиши орқали ўз фойдасини ошириб борса, иккинчидан, миқдорлари сонини оширган бўлади ва учинчидан мамлакатда янги иш ўрни яратилади, бозорда товар ва хизматлар тури кўпайишига ёрдам беради, тўртинчидан аҳолининг ижтимоий аҳволи бир мунча яхшиланади, бешинчидан, мамлакатда солиқ тўловчи кўпаяди.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиёти таҳлили” деб номланган бўлиб, ушбу бобда банклар томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг таркиби ва динамикаси, кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг баҳоси, кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётига таъсир қилаётган омилларнинг эконометрик таҳлили каби масалалар кўриб чиқилган.



3-расм. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар¹⁹ (млрд. сўмда)

¹⁹ www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Юқоридаги расм маълумотларини таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар салмоғи йилдан-йилга ўсиб бориш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин. 2004 йилда 6900 млрд. сўм кредит берилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 2,8 марта ошиб, 19565 млрд. сўмни ташкил этганлигининг ўзи ҳам республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш тизими ривожланаётганлигидан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарорида ушбу босқичларда банк филиалларининг ваколатини оширишга катта эътибор берилган.

Шунингдек, ушбу муаммоларни ҳал этиш учун тижорат банклари кредитлар бериш жараёнида филиаллар имкониятларини кенгайтириш лозим деб ўйлайман. Чунки, содда қилиб айтганда, фаолият юритаётган аксарият тижорат банкларининг Бош банклари ўз тасарруфларидаги филиалларга бўлган “ишончсизлиги” туфайли кредитлар беришда банк ички тартиб қоидаларидан келиб чиққан ҳолда лимитлар ўрнатиб қўйганлиги, филиал мижозларининг белгиланган лимитлардан ортиқ миқдордаги кредитлар олишдаги қийинчиликларга дуч келиши ва муддатларнинг чўзилиши каби муаммоларга дуч келмоқда. Натижада кредитлаш жараёни мураккаблашиб мижознинг вақтини олишга тўғри келмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида, филиалларнинг кичик бизнес субъектларига кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатларини кенгайтириш лозимдир.

Мамлакатимизда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда биринчи ўринларда турувчи “Микрокредитбанк” АТБнинг сўнгги беш йилдаги кредитлаш фаолиятини таҳлил қилиб чиқдик.

2-жадвал

“Микрокредитбанк” АТБ томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар тўғрисида МАЪЛУМОТ²⁰

(1 январь ҳолатига млрд.сўм)

№	Кредит номи	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
1	Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар	498,1	654,8	861	1130	665,2
2	Коллеж битирувчиларига берилган кредитлар	21,4	37,4	48,1	66,6	53,2
3	Тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар	58,8	74,4	90,2	117,5	152,2
4	Микромолиявий хизматлар	245,8	296,7	362,1	437,6	313,9
5	Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кредитлар	36,5	48,5	60,2	78,4	69,1

²⁰ www.mikrokreditbank.uz Микрокредитбанк йиллик ҳисобот якунлари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, банк томонидан тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ажратилаётган кредитлар барча йўналишларда ўсиб боришига эришилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2017 йил 1 январ ҳолатига 33036 та миқдорда жами 1 трлн. 130 млрд. сўм кредит ажратилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 270 млрд. сўм ёки 31,4 фоизга кўпдир. Лекин, 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра барча кўрсаткичларда пасайиш кузатилиб, банк ушбу йилда бошқа соҳа субъектларини кредитлашни нисбатан кўпроқ амалга ошириши натижасида юз берган.

Кичик бизнесни кредитлашда аҳоли бандлиги ва миллий даромадни яратишдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда банкнинг имтиёзли шартларини қўллаш тизимини такомиллаштириш натижасида “Микрокредит банк” АТБ томонидан 1067 та кам таъминланган оилаларга 5 670,4 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилганлиги банк берган кредитларнинг ижтимоий самарадорлиги ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун микромолиявий хизматлар кўрсатишни кенгайтириш банкнинг асосий вазифаси бўлиб қолиши белгиланган.

3-жадвал

“Микрокредитбанк” АТБнинг микромолиявий хизматлар кўрсатиш прогнози²¹

(млрд.сўм)

Йиллар	Ажратиладиган кредитлар миқдори	Кредит фоиз ставкалари			Жами даромад прогнози	Жами жалб қилинадиган ресурс харажати	соф даромад	ўртача фоиз ставка
		3%	4,50%	9%				
2017 йил	547,5	191,6	109,5	246,4	32,9	17,8	15,1	6,0
2018 йил	657,0	230,0	131,4	295,7	39,4	21,3	18,1	6,0
2019 йил	788,4	275,9	157,7	354,8	47,3	25,6	21,7	6,0
2020 йил	946,1	331,1	189,2	425,7	56,8	30,7	26,1	6,0
2021 йил	1135,3	397,4	227,1	510,9	68,1	36,8	31,3	6,0

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажми 2017-2021 йиллар давомида ҳар йили 1,2 баробарга ўсиб бориши белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириб бориш билан бир қаторда, кредит портфели даромадлигини ошириш мақсадида фоизли маржа ўртача 2 фоиз даражасидан юқори сақлаб турилиши ҳам банкнинг ўз олдига улкан марралар қўйганлиги ва натижада кичик бизнес ривожини учун катта ҳисса қўшиши мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳимдир.

